

Қадр-қимматим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARİ

Иё ёни маси

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

- 9, 10 (205-206) • 2013 YIL, oktyabr-noyabr • ISSN-2010-9393 • 1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Давлатимиз раҳмалари - фахри миз

1 Октябр - Үқитувчилар
ва мураббийлар кунини.

Байраамимиз күнтүде бўлсиган,
азиз устозлар!

Оддий муаллим

Қадри билинади энди менга гоҳ,
Олис мактабимнинг ўша беҳашам...
Навоийку бизга устоздир, бироқ
Кимдир ўқитганку Навоийни ҳам.
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Тупроқдек ҳокисор, безовта жонлар,
Аммо қаноатда төгдек улугбор,
Ҳамто Темурдаин соҳибқирионлар,
Пирим деб этагин ўпган зотлар бор.
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Йўқдан Берунийлар бинолар қилган,
Машрабни машҳури дунёлар қилган.
Ҳусайнини Ибн Синолар қилган,
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,
Илон ўйнатгандай сўз ўйнатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Бу ҳаёт ниш-санчиқларидан
Қоқилса, кўтаргай қўялиқларидан.
Отадек эзилгай гуссага ботса,
Боладек қубонгай ютуқларидан,
Үйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Улфат кўпу, аммо бир дўсти ҳамроҳ
Ҳалим тополмадим ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ
Олим тополмадим ундан олимроқ.
Бола юрагимда бебаҳо тилсим,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Юзга кираман мен, Худо хоҳласа,
Юз ўйдан кейин бир мўмин ўртогим
Юзим ёпиб қўйса, жагим болгаса,
Сўнгги сафар сари отланган чоғим
Фақат бир кимсадан бўлади қарзим,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Муҳаммад ЮСУФ

Байроқ - миллат зурури

Байроқ азалдан миллаттинг фахру ифтихори, асерий анъаналарининг инъикоси бўлиб келган. Кишилик жамиятининг илк босқичларидәқ шаклланган ибтидоий давлатлар ҳам ўз байроқларига эга бўлганлар. Байроқлардан дастлаб ҳарбий урушларда давлат рамзи сифатида фойдаланилган бўлиб, кейинчалик уларда миллӣ рӯҳ ва мислат бирлиги тимсоли асосий ўрин тута бошлаган. Қариб 3000 йиллик тарихга эга бўлган Ўрта Осиё ҳалқари миллӣ давлатчилиги тарихида турли туман байроқлардан фойдаланиб келингандигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳусусан, Ўрта Осиёда энг қадимги даврларда яшаган сак ва массажет қабилаларининг миллӣ рамзи бургут саналиб, уруш олдидан осмонда бу күшининг парвоз этиши ғалаба рамзи саналган. Шунинг учун ҳам массажетларнинг яловларида парвоз этаётган бургут тимсоли бўлган, деган қараш мавжуд. Туркӣ ҳалқлардан бўлган қирғиз ҳалқи эса ўзининг Манас эпосидан келиб чиқиб, кўёш тасвирини ўзларига қадимий-антъаний рамз қилиб олишган. XIV асрда Ўрта Осиёда Темурйлар давлати ташкил топғач Соҳибқирион Темур ўз давлати байроғига мовий ранг фонидаги ўзаро айқаш уч ҳалқани тандаб олди. Мовий ранг азалдан ўрта осиёликлар учун тинчлик ва мусаффолик рамзи бўлиб келган. Лекин, уч ҳалқа борасида бир нечта таҳминлар мавжуд. Айрим тарихшунос олимларнинг фикрича бунинг маъноси Моварооннаҳр, Хурросон ва Хоразмни Темур ўз кўл остига бирлаштиргани бўлган. Яна бошқа манбаларда эса Темур ўз байроғида айнан уч ҳалқани тасвирлашида бошқа фалсафий маъно яширинган. Яъни, ҳалқлар адолат, марифат ва диннинг рамзи экан.

ХХ аср бошида Ўрта Осиёда Туркистон мухторияти номли давлат ташкил топди. Бу жумхурият гарчи жуда қисқа - атиги 72 кун тарих саҳнасида турган бўлсада, унинг ҳам ўз давлат байроғи бўлган. Бу байроқда устма-уст қизил ва кўк ранглар фонидаги мусулмонларнинг кутлуғ рамзи - ярим ой ва юлдуз тасвири туширилган эди. Шуниси аҳамиятлики, ўша давраги энг нуфузли ҳалқаро ташкилот саналган «Миллатлар лигаси» ҳам мухториятнинг мазкур байроғини тан олган эди.

Ватанимиз ўз Мустақиллигини қўлга киритгач 1991-йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинди. Миллӣ байроғимизни тузушда тарихда аждодларимиз қўллабарча миллӣ рамзларимиздан фойдаланилди.

Туркистон Мухториятининг байроғида бўлган мусулмонларнинг кутлуғ рамзи - ярим ой ва юлдуз белгиси ҳам Миллӣ байроғимиздан жой олган. Шунингдек, юлдузларнинг сони қадимдан ҳалқимиз қўллаб келган тақвимдати ўн иккى ой рамзи ҳамdir.

Диёрбек АБДУХОЛИКОВ,
Миллӣ ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими йўналиши талабаси.

Талаба ҳайрати

Ўзбекистоннинг юраги
- Тошкент шахри бугунги кунда бекиёс гўзал таровати билан жаҳон мамлакатлари пойтахтларининг ичидаги ўз ўрнига эга.

Бу шаҳарда курилаётган кўркем бинолар, саройлар, кенг йўллар, спорт мажмуалари ва бошқа бир қанча бинокорлик ишлари изчиллик билан олиб борилмоқдаки, булар пойтахтнинг кўргига кўрк, тароватига тароват кўшиб бормоқда. Ана шундай бинорлардан ўзига хос чирой, бекиёс жозиба билан қад кўтарган, улуғворлик тимсолига айланган «Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройи»ни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мұхтарам Президентимиз раҳбарлигига саройнинг тузилиши, тархи ишлаб чиқилди, шунингдек, иншоот лойиҳасини яратиш ва куриш жараёнида унинг ҳар бир қисми қандай барпо этилиши, қай тарзда безатилиши, заллари қай йўсинга ўзаро уйғуллашиши борасида кимматли ва зарур тавсиялар бериб бордилар.

Халқаро анжуманлар саройи қадими мөъморчилик анъаналари, замонавий жаҳон шаҳарсозлигининг энг охирги ютукларини ўзида мужассам этган маҳобатли обидадир. Сарой курилишида

Республикамизнинг олий таълим муассасаларида таълим олувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Хусусан, таълим учун тўлоғни амалга ошираётган талабалар ҳамда уларнинг ота-оналигага жисмоний шахслардан олиниадиган даромад солиги бўйича имтиёзлар тақдим этилган. Кўйида ушбу имтиёзни тўғри қўллаш тартиби юзасидан тушунириш берамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солик солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олити ўшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўнайтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олиниадиган даромад солиги солинмайди (Солик кодексининг 179-моддаси).

Жисмоний шахсларга солик чегирмаси ўқиши учун тўлов:

- ўз маблаглари;
- жисмоний шахса тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари;

- юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтириш шарти билан берилган маблаглари (сусудалар) ҳисобидан амалга оширилганда тақдим этилади.

Ўзининг ўқиши ёки ўз фарзандларининг ўқиши учун тўланаадиган солик чегирмаси жисмоний шахс - таълим олувчига, шунингдек агар ўқиши учун тўлов таълим олувчи 26 ўшига тўлганига қадар амалга оширилган бўлса, унинг ота-оналирига берилади.

Солик имтиёзи иккиси усула:

МАЖЛИСЛАР САРОЙИГА САЙР

Ўзбекистон мустақилликка эришигандан сўнг мамлакат ҳаётида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотлар, кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

хунармандчилик, меморчиликка оид жуда кўплаб янгиликлар ишлаб чиқилган. Жумладан, саройнинг ташки қисмiga мармар билан зеб берилиган, турли ҳил муқарнаслар, ўйма ва бўртма нақшлар яратиш борасидаги ишлар бажарилган. Мумтоз кўринишдаги саройнинг пойдевори 3 метрдан ортиқ қалинликда курилган. Саройнинг пешайвонида 22 та устун кўйилган ва бу устунлар ҳам мармар билан қопланган. Баландлиги 22 метрга яқин бўлган деразалар ҳам саройнинг чиройига чирой кўшиб туриди.

Бинонинг маҳобатли гумбази устига курилган бир жуфт лайлак тасвири тинчлик, фаровонлик рамзи ҳисобланади.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Амир Темур хиёбонида бунёд этилган бу мөъморий обида ўзининг маҳобати ва

салобати, тархи ва замонавий дизайнни билан нафақат Тошкент шахрини, балки юртимизни на мойиш килиб туриди. Бунда аждодларимизнинг асрий анъаналарини ўзаро уйғулластирилгани ҳам эътиборга лойикдир. Бу эса аждодларимизнинг асрий анъаналари бардавом эканлигидан далолат беради.

Шундай экан, халқаро анжуманлар саройи она юртимизнинг гўзаллиги, халқимизнинг бунёдкорлиги рамзи десак, адашмаган бўламиз. Келажакда ана шундай кўркем ва мухташам биноларни бунёд этишда биз ёшлар ҳам ўз ҳисса-мизни кўшмоғимиз даркор. Токи бизнинг ижодимиз намуналаридан ҳам авлодлар фахрлансингар.

Илёсбек АТАБЕКОВ,
Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси
йўналиши
талабаси.



Форум
билин қатнашиб, ҳамкамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлди.

Бундан ташқари форум давомида турли хил спорт мусобақалари, ёш ижодкорлар билан учрашувлар, Odnoklassniki.ru кинофильмининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчимизнинг бу форумдан олган таассуротлари жуда катта.

- Форум қизиқарли ва фойдали машгулотлар билан бой бўлди. Биз бошлангич ташкилот етакчилари келгусидаги фаолиятимиз ҳақида янгидан-янги лойиҳалар ва таклифлар билан ўтқлашдик, - деди у биз билан сухбатда.

Суратда:
Форумда тақдирланган иштирокчилар.

БИЛИМ, ТАЖРИБА, СИНОВ

Билим дарёсидан томчилаб сув ичган инсон кун келиб билимлар уммонига эга бўлади. Бу уммондан атрофдагиларга зиё тарқата олган инсон жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Билим олаётган, хунар ўрганаётган ёшлар олаётган билимини синовдан ўтказиб турсалар, нур устига айло нур бўлаши. Худди шу мақсадда 18 ноябр куни Институтимиз Талабалар турар жойида талабалар иштирокида институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташабbusи билан «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Қизғин тусда ўтказилган ушбу мусобақада талабалар қизиқарли саволлар асосида баҳлашдилар.



Суратда:
Мусобақадан лавҳа.

қатни назар) ёки унинг ота-онаси (таълим олувчи 26 ўшга етгунга қадар) фойдалана олини мумкин.

Бундан ташқари, солик, чегирмаси суммаси бир жисмоний шахснинг, масалан, декларация тақдим этган таълим олувчи отасининг йиллик даромадидан ортиб кетиши ҳолатлари юзага келиши ҳам мумкин. Солик тўловчиларда мазкур ҳолатларда бошқа жисмоний шахс ҳолган сумма учун солик чегирмасидан фойдалана оладими, деган савол юзага келади.

Ҳа, солик чегирмасидан таълим олувчининг онasi ҳам фойдалана олади. Буни амалга ошириш учун давлат солик хизмати органига унинг паспорт нусхаси ҳамда СТИРини тақдим этиши лозим.


Корхона ҳисобидан тўлаш:
Корхона ўзи учун мутахассислар тайёрлаш зарурити бўлган ҳамда таълим олувчи олий таълим муассасасини битиргандан сўнг шартномада кўрсатилган даврни корхонада ишлаб берига розилик берган ҳолда корхона олий таълим муассасаси билан тўғридан-тўғри шартномада бўйича таълим учун ҳақ тўлаши мумкин.

Талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўкув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловчилар жисмоний шахслардин даромади сифатида қаралмайди. Тегишилича, солик чегирмаси ҳам амалга оширилмайди.

Корхонада ишлаб бериш шартнари олий таълим муассасаси билан мутахассис тайёрлаш учун уч томонлами шартнома тузида белгиланади. Шартноманинг тегиши билан абитурентнинг олий таълим муассасасини битиргандан сўнг корхонада ишлаб бериси муддати кўрсатилади. Битирувчи шартномада назарда тутилган шартларни бажармаган ҳолда таълим ҳақи унинг даромади солиги солиниши лозим.

«Солик инфо» газетасидан олинди.

Таълим олиши учун берилган солик имтиёзи



олий ўкув юртлари ҳисоб рақамига (таълим кредитини қоплагандан тижорат банки ҳисоб рақамига) пул маблагларини мустақил тўлаганинг тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

- паспорт нусхаси (солик имтиёзи ота-онаси томонидан ўтказиладиган тўловчиларнига);

- паспорт нусхаси (солик имтиёзи ота-онаси томонидан ўтказиладиган тўловчиларнига) ва таълим олувчининг (таълим олувчиларнига) тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

Эътибор беринг!

Давлат солик органларига таълим олувчининг яқин қариндошлиари (ака-ука, опа-сингил, амакитога ва бошқа қариндошлиари) томонидан таълим учун ҳақ тўлаб, солик имтиёларидан фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслиги юзасидан кўплаб сўровлар келиб тушади.

Эътиборингизни шунга қаратмисли, солик имтиёзидан факат таълим олувчининг ўзи (ёшидан

Ҳак йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмий ранж ила,

УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР ТАБСИФИ

Эй келди фунуний илм таслим санга,
Қилмоқ анга лозим бўлди таълим
санга,
Гарчи йўқ эрди қувват оёқимда, вали,
Келдим бош ила олгали таълим
санга.

*** Оғаҳий

Олимлар қалами шаҳид қонидан
муқаддас.
*** Ҳадис

Садақанинг афзали мусулмон
кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа
мусулмон биродарларига ҳам
ўргатишидир.

*** Ҳадис

Устоз ва муаллимлар хурматини
ўрнига қўйғанлар бу дунёда ҳам,
охиратда ҳам саодат топарлар.
*** Ҳадис

Олим қачонки ўзининг барча ҳис-
эҳтиосларининг устидан ҳоким
булолса, шундагина уни олим дейиш
мумкин.

*** «Оталар сўзи»

Ибн Аббосдан:
Сен қандай қилиб шунча
илмга эришдинг? - деб сўрадилар.
У шундай деб жавоб берди:
Савол бергувчи тил, билувчи
қалб ва чидамли ўқитувчи билан.
«Фавоқиҳ ал-Жуласо»

Кимки устозини ихлос ила иззат
қиласа,
Ҳақ анинг манзилини жаннати
ризвон айтади.

Ишлари дарс-у, сабоқ, илм-у адаб
такоридур,
Офарин, минг офарин, бу илм бир
аэроришир.
*** Нодим

Тўрт нарса ўлик дилни тириштириши:
Устоз, яхши дўст, мувофиқ ёр ва
давлату иқబол сабабчиси бўлалиган
доно ақл.

Муйиниддин Жувайний

Бузургмехдан сўрашибди:
- Нима учун устозингни отангдан
афзароқ хурмат қиласан?
- Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга
олиб келди, устозим эса бокий ҳаёт
багишлади.

*** «Оталар сўзи»

Ҳақиқатдан ҳам устоз илм бериши
билан кишининг номини улуғлаб
авлодлар оғизда қолдиради ва
иккинчи ҳаёт бағишлайди.

Оғаҳий


2013 ЙИЛДА ОЛТИШ БАҲОРНИ ҚАРШИЛАГАН УСТОЗЛАР

Мелиев Ҳамидилла
Абдуллаевич

«Мактабгача таълим
назарияси ва
услубияти» кафедраси
профессори.



Мирализов
Тўрақул
«Спорт фанлари
услубияти»
кафедраси катта
ўқитувчisi.



Маматқулов Туроб

«Умумий психология»
кафедраси катта
ўқитувчisi.



Хасанов Шайхидин
Ҳасанович

«Жисмоний тарбия
назарияси ва
миллий спорт
турлари
услубияти»
кафедраси
катта
ўқитувчisi.



Абдувалиев
Абдулхамит
Абдумўминович
- «Ўзбек тили ва
уни ўқитиши
услубияти»
кафедраси катта
ўқитувчisi.



Юсупов Кирмон Ясинович

«Меҳнат
таълими ва
умумий техника
фанлари»
кафедраси катта
ўқитувчisi.



**Муаллимикдай фидокорона касб
эзалиари бўлган муҳттарам
устозларимга бавшилайман.**

учун узун
йўлакчали
шина к
устозларимга
бавшилайман.

Иккинчилари қизалоқ бўл-
ди. Сочлари олтиндай ажиб тов-
ланарди. Олтиной деб исем
қўйиши. У-да, узоқ яшамади...

Кайнатаси
Маҳбуба ая ҳар кунги-
дай эрта турди. Ягона
овунчоги бўлиб қолган
тарғил сигиринга ем берди,
сурорди. Сўнг ўчоққа қум-
ғон илиб, чой дамлади.
Кенг саҳни ҳовли-
нинг кунгай томони-
га қарама-қарши
ўрнатилган
сўрига бориб
нонушта
қилган бўлди.

Олисларга тер-
мулганча хотираларига
эрк берди...

Эгамберди
ота маҳалла-қўй ҳурматига са-
зовор бўлган, ўзи саводез мөх-
наткаш бўлсада, илми одамни
қадрлайдиган, мўъмин инсон
эди. Келини Маҳбубанинг ўқи-
тувчилар олийгоҳини тамомла-
ганлигини билгач ўзи қишлоқ
мактабига ишга жойлаб келган.
Шундай тантн, чапани одам
эди, раҳматлик...

Маҳбуба ая шуларни ўйлаб,
ески уясини таъмирлашга ки-
ришиб кетган қалдиргочга қа-
раб ҳўрсенинб қўиди. Ҳовли-
нинг ҳар бурчак, ҳар роҳига
маюс термулди. Шу хонадонда
ёшлиги ўтди. Бирин-кетин фар-
зандлари шу ҳонадонда туғилди.
Шу ҳонадонда энг қувончили
дамлари ўтган. Шу ҳонадонда
армон кўз ўшлари оқкан...

Маҳбуба ва Қодиржон ҳар
жиҳатдан бир-бириларига му-
носиб эдилар. Тұрмуш қуриш-
гандан бир йил ўтмай ўғил фар-
зандли бўлишиди. Қувончлари
бир олам бўлди. Яхши ниятлар
билан Муҳаммаджон деб исем
бериши. Афуски қувончлари
узоққа чўзилмади. Тўнгичлари
бир яшардан хатлади-ю, кет-
ди...

қадди эгилиб қолди. Қодиржон
колхозда хисобчи эди. Аламини
мехнатдан олди. Ўз ишига қў-
шимча қилиб далада кетмон
чопди. Дилида Оллоҳдан тин-
май фарзанд тилади. Умри билан
тилади, толеъи билан тилади.

Оллоҳга оҳлари етдими та-
гин бир ўғилли бўлишиди. Қо-
диржон яратганга шукроналар
қилиб, Мўминжон деб исем қўй-
ди. Мўминжон соғлом бўлди,
яшаб кетди. Улғайгана одоб-
ига эл-юрт таҳсин айтди. Кўрган-
лар келишган бўй-бастига суқданиб
қаради. Мўминжон мактабда ҳам аъло ўқиди.
Уни олтин медал билан битирди.

Олий ўқув юртида ўқиш ният-
лари бор эди. Таассуфки, бу
орзу орзулигича қолиб кетди.
Мактабни битирди-ю, тўсатдан
ҳарбийга олиб кетишиди. Қодир-
жон билан Маҳбуба уч ой ўтиб
Мўминжондан хат олишиди. Хат
Афғонистондан эди...

Уйдан ўз ёёғи билан чиқиб
кетган Мўминжон бир йил де-
ганда темир тобутда келди.
Маҳбуба дод солди. Қодиржон
оҳ урди. Темир тобутни очиша
ҳарбий комиссариятдан келган
вакиль йўл бермади. Жигарбанд-
ларининг юзини сўнги бор кў-

ролмадилар. Қодиржон ар-
монда қолди. Маҳбуба ар-
монда қолди...

Оғилхона тарафдан си-
гир чўзиб мўради. Маҳбуба
ая ёноқларига оқиб тушган
ёшларини арти. Лаблари
ожиз пиширлади: «Наилож
болам, тартиб шунақа экан.
Ман қандоқ қилайин...»
Ховли ўртасидаги бир туп
олма шоҳдари орасидан по-
нишак биёв-биёвлаб сайрай-
ди. Жўякларда сув чулди-
райди. Маҳбуба ая жўяклар-
да нишоналаб қолган қу-
лупнай пушталарига тер-
мулади. Жўяк четида кет-
мон турибди. Қодиржон-
нинг кетмони. Шу кетмон-
ни елкасига ташлаб чопик-
ча чиқарди.

...Ўелини темир тобутда
ерга қўйишгач Қодиржон
тамоман птурдан кетди.
Мўминжоннинг қирқи ўт-
ган куни эса Маҳбубанинг
бошига яна бир синов
тушди. Ўша куни йиларига
ялтироқ тумгали кийим
кйиган, «кўкшапқали»лар
(Маҳбуба ҳарбий ҳалқи бор-
ки барини кўкшапқали дер-
ди) келишиди. Ҳе йўқ, бе йўқ.
Маҳбубанинг шундоқ кўз
ўнгилда Қодиржонни киши-
лаб олиб кетишиди. Маҳбуба
чиқиллаб қолаверди...

У кун ўтиб ўйни тинтуб
қилдилар. Кўкиш кўзи,
кўзлари совук чатнаган
«кўкшапқали» ертўладан
бир ўртачароқ ҳалта олиб
чиқди. Маҳбуба ертўлада
бундай нарсага ҳеч кўзи
тushmanандi. Ҳалтани ҳовли
ўтасига тўқдилар, қандай-
дир ялтироқ тангалар оғ-
тобда ярқираб кетди. Маҳ-
буба анграйиб қолди. Ҳал-
тани топиб чиқсан кўкиш
кўз «кўкшапқали» довдираф

(Ҳикоя)
Муалим

21 Октябр - ўзбек тилига давлат тили макоми берилган кун

Маънавиятимиз ва маданийтимизни ўзининг ўлмас мероси билан бойитган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий тилнинг равнақи учун олиб борган кураши адабиётимиз ва тилшу-

форс-тожик адаблари ўртасида ҳам туркйгўйлик пайдо бўлди. Бу эса ўзбек адабиётини юксакликка кўтариб, ўзбек тилининг курдатини намойиш этган Навоийнинг бевосита таъсири на-тижасида эди.

маслаҳат берди ва шуни амалга оширади.

Навоий ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб, бадиият яратувчи сиймо кўз олдимизда гавдаланади. Унинг «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Лисон ут-

Алишер Навоий-ўзбек тили хазинасини бойитган олим

нослигимиз тарихида муҳим ўрин тулади.

Навоий шоир ва олим сифатида ҳалқимизнинг битмас-туганмас манбаларидан фойдаланиш, тилимизнинг бойлиги ва нағислигини намойиш этиш билан нафақат ўз замондошларига, балки ундан кейинги бутун авлодга ўрнак кўрсатди.

Навоий яшаган даврда китобхонларнинг бир қисми форс-тожик тилидаги адабиётдан баҳраманд бўлса ҳам, кўпчилиги ундан фойдалана олмасди. Шу сабабли Навоий ўзбек шоирларини ўз она тилини мукаммал билишга ва шу тilda иқтидор ва маҳоратларини кўрсатиб, ҳалқ оммаси учун асарлар яратиша унади. Тўғри, Навоийгача ҳам ўзбек шоирлари орасида зуллисонайнлик анча кенг тарқалган эди. Хоразмий, Саккокий, Лутфий, Атоий ва бошқа шоирлар ўзларининг истеъодларини ҳар икки - форс-тожик ва туркй тilda намойиш қила олдилар. Аммо, бу анъанани бошқа шоирларда - форс шоирларида учратиш қийин эди. XV асрнинг ўрталаридан бошлаб

Навоий ўзбек тилининг имконият ва курдатига эътиборсизлик билан қаровчиларга қарши чиқиб, уларнинг ноҳақ эканликларини исбот қилди.

Навоий она тили учун курашини ҳам давлат арбоби, ҳам адабиётшунос, ҳам тилшунос, ҳам бадиият яратувчиси сифатида олиб борди. Унинг давлат арбоби сифатида она тили учун курашини қўйидагиларда кўришимиз мумкин.

Хусайн Бойқаро Навоийга бир нечта юксак лавозимларни тақлиф қилди. Алишер Навоий рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати сўлтоний» («Сўлтон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган расмий унвон берилади. Бу билан у давлатнинг ҳамма ишларига аралаша олар ва подшох билан кўриши имконига ҳам эга бўлар эди. Бинобарин, сарой амалдорлари, шу жумладан, Муҳаммад Мажиддин ҳам ҳар бир муҳим масала бўйича у билан келишишга мажбур бўлади. Бундай имкониятдан Навоий жуда ўринни фойдалана олди. У саройда давлатда юритиладиган ҳужжатларни, арзномаларни, тақлиф мактубларини ўзбек тилида бўлиши кераклигини

тайр» каби асарлари бадиий адабиётимизнинг юксак намуналаридир. У ўзининг бу асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёди.

Навоий адабиётшунос олим сифатида «Мажолоси ун-нафоис», «Мезон ул-авзон» асарларини яратди. Адабиётшуносликка оид «Муҳокамат ул-лугатайн» асарини ҳам ўзбек тилида яратди. Бу билан у ўзбек тилининг бадиий, илмий асарлар яратиша учун бой имкониятларга эга эканлигини амалда исботлади.

Навоийдан кейинги даврларда ҳам ўзбек тили соғлиги учун кураштан ёзувчиларимиз кўп бўлган. Лекин, юқоридаги маълумотларга таъинланган ҳолда, ҳеч иккиман май Навоийдек (ҳам арбоб, ҳам шоир, ҳам адабиётшунос, ҳам тилшунос) ўзбек тили соғлиги ва тараққиётни учун курашда ягона ва мард бўлган эмас, дейишиниз мумкин.

Гулбахор Қурбонова,
Ўзбек адабиёти ва уни
ўқитиши услубияти
кафедраси
кабинет мудири

1 Октябр - устоз ва мураббийлар куни

Оламда сехрли сўзлар кўп. Она, Ватан, Оила, Мұхаббат... Мен бир инсон сифатида, оддий феъл автор соҳиби бўлиб шу пайтгача ҳастимга мазмун берган сўзлар доирасида филология соҳасини алоҳида эътироф этаман.

Филология... Унинг курдатини ўзбек филологияси факультети талабасига айланган чоғларимда узук - юлук ҳис этганиман. Том маънода эса педагогик фаолиятни ҳадик аралаш бошлаган пайтимда, ўкув хоналаридан жажжи нигоҳлари билан баъзизда синовчан, баъзизда қувлик билан тикилиб турган ўкувчиларим билан мулоқотга киришган пайтимдагина ҳис эта бошлаганман.

Филология - бу соҳа менга Навоийнинг кишишларга боғланган арслон қиёфасини, узоқ замонларда қарийб хашаки тил дея эътироф этилган, бундага ўзининг минг турфа рангини намоён этаётган она тилимни, Кумушнинг армонли фигонини, Отабекнинг жўмадр қалбини, жаҳон адабиётининг нодир мўжизаларини армугон этаётган ва ҳеч қачон қуриб қолмайдиган булоқ мисоли онгу шурумини қамраб олган курдатли кучдир. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси учун айнан шу соҳанинг шайдоси бўлиш камлик қиласи, албатта! Ўрганиш ва ўргатиш жараённида энг кўп амин бўлганим - муаллим дегани ўкувчидан бир соат олдин мавзуни такрорлайдиган, ёки соҳисидаги бор сўзларни айлантириб умр ўтказадиган киши эмас! У замонлар оша ҳар қандай моделдаги тараққиётни кўрса-да, янгиликдан чўчимай-

диган, шогирдлар камолоти ўйлида бир нафас изланишдан тўхтамайдиган, ҳар лаҳзани илмга алмаштирадиган зотdir!

Шу боис зиммамдаги залворли масъулитни ҳис этмоққа, бурчимни шараф билан бажаришга ҳаракат қиласи эканман, авваломбор, мен учун асқотган

кузатган ҳолда ўз идеалимдаги ўқитувчи қиёфасига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Турсунқул домла Алмаматов учинчи курсдалигимизда «Тил ўқитиши методикаси»дан дарс берар эдилар. Бир гал Республика олимпиадасига тайёрланар эканман, энг зарурий грамматика дарсларидан бирига эҳтиёж сезилди. Бироқ кутубхонадагиларининг ҳаммаси талабалар қўлида. Топишнинг иложи бўлмади. Домлага бир оғиз илтимос қил-

ган эдим, эртасига ёк китобни қўлимга келтириб бердилар.

Факультетда Аҳор домла Пардаев ўзининг сипо ҳамда зийраклиги билан алоҳида ажralиб турарди. Тўртинчи курсдигимизда курсдошим (номи сир бўла қолсан) моддий жиҳатдан қийналиб қолганида, Пардаев бир даста пулни газетага ўраб: -Ма, буни ол, пул керак бўлса, мендан сўра! - деганларига ўзим гувоҳ бўлганман... Ваҳоланки, ўша талабанинг Пардаевга ҳеч қандай қариндош уруғчилиги, яқинлиги йўқ эди.

Шу даргоҳда таҳсил олганлар орасида Юлдуз опа Каримовнинг маънили, бирор юморга йўғрилган сұхбатини соғинмайдигани топилмайди.

Юлдуз Каримова. Зулфия Пардаевалар... Улар фақатина номи жарангли бўлган аёл устозлар эмас, бу номлар замирнида адабиётлай улкан майдонда янги фикр айтига оладиган адабиётшунос

«Тальим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар таёrlаш миллий дастури» Республика таълим ходимлари зиммасига ўта маъсулитлар вазифалар юклайди. Бу вазифани амалга ошириш жараённи ўкувчиларни ўқитишига янига ёндашиш, ўқитувчиларни ўзига ва ўкувчиларига ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишини тақозо этади. Педагогик жараённинг услуб-

БИЛИМ ВА ЯНГИ ФАЗИЛЛАРНИ ШАКАДАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

ларини ва технологиясини давр талаблари асосида жорий этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Янги педагогик технологияларнинг афзалиги замон синовидан ўтиб, интерфаол дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги ўз исботини топмоқда.

Педагогик технология амалиётла бажариладиган маълум педагогик тизим лойиҳаси эканлиги кўпчиликда катта қизиқиш ўиготади. Одатда дарслар, назарий тушунчалар берамиш, бироқ бераётган таълимимизнинг натижаси, ўкувчи талабаларимизнинг хотирасида мустаҳкам саҳнаниб қолаяптими, уларнинг руҳиятига таъсир қўлувчи қандай воситаларни кўллаяпмиз, назарияни амалиёт билан қай даражада боғлаяпмиз, бу ҳақда ўйламаймиз.

Дар жараённида мавзуни таҳлил қилиш, жисем ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи таҳлил ёрдамида воқеа-ҳодисаларни қисмларга ажратиб, томонларни фикран бирлаштириб, бир бутун ҳолга келтириб нутқда ифодалайди. Таҳлил ва таққослаш узвий боғлиқнди. Синтез таҳлил ҳарәни мавзу ёки воқеа-ҳодисаларни қисмларга бўлиб, яъни фикран бирлаштиришилди. Интерфаол дарсларда масаланинг мана шу томони янада равшанлашади ва синтез усули энг қулий дарс жараёнини таъминлайди.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданийти, нутқнинг тўғрилиги, алоқавий маҳоратининг талабаларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгаллаганлик даражаси ўз навбатида янги технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён ўқитувчи фаолиятини ва услубиятининг турли кўринишлари орқали амалга оширилади. Педагогик фаолият шакллари маъруза, амалий машгулот давомида ҳиқоя, эркин сұхбат, мулоқот-мунозара дарсларидан намоён бўлади.

Янги педагогик технологияга кўра, талабанинг билим олишдаги мустақилларни ошириш, мустақил фаолиятини ташкил этиш ўйли билан тил ва нутқий самарадорлигига эришиш, ривожлантируви таълим мөҳиятини рўёбга чиқариш талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганишини таъминлаш мумкин. Шундагина ўқитувчи, фанинг турли соҳалари бўйича билимини янада ошириш учун хизмат қиладиган таълим усулларини қидиради, билимларни ўзлаштириш учун маъруза ёки амалий машгулотларида тортишув, баҳс ва мунозара олиб боришнинг ўзи учун қулий йўлларини танлайди.

Янги инновацион-педагогик усуллар ва технологиялар таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир.

Лола Исмоилова,
Дўстлик иқтисадиёт касб-хунар коллежи
математика фани
ўқитувчisi,
Шаҳноза Эрназарова,
Педагогика-психология йўналиши талабаси

УСТОЗ КИЁФАСИ

устозлар сабогини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Жиззах тумани таълим масканларидан Бахтиёр Муллабеков ютуқ-

ларини тез тез тилга олиб турниши. Дарҳақиқат, она тили ва адабиётни ўқитувчи Б.Муллабеков ўзининг юзлаб шогирдлари билан ушбу соҳанинг тараққиётига сезизларни ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, ўзи фаолият кўрсатаётган 31- мактаб жамоасига ҳам устознинг йўлини сидқидилдан давом этираётган Ш.Хўжабекова, З.Сувонов, М.Мамарасоловларнинг меҳнат фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Мен ҳам шу умум ўрта мактабни тамомлаб, Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиётни факультетида таҳсил олган дамларимда шу соҳанинг пешқадам вакиллари. Турсунқул Алмаматов, Қодир Пирматов, Мустафақул Каримов, Баҳодир Файзулласев, Юлдуз Каримова, Аҳор Пардаев, Зулфия Пардаева, Абдулҳамид Абдувалиев, Суннат Соиповларнинг педагогик маҳоратини

олима аёлларнинг сийрати намоён бўлади.

Буғун бир ўқитувчи сифатида шуни ўйлаб қоламанки, аслида мен ҳам устозлар каби беминнат зиё тарқатувчи бўляпманими? Нима, соатлаб вақт сарфлаб йўл-йўриқ кўрсатадиган Юлдуз опанинг меникига ўхшаган рўзгори йўқмиди? Турсунқул Алмаматовнинг кутубхонаси ўз ўзидан бунёд бўлганмиди? Китобларининг йўқолиб кетишавфи йўқмиди? Аҳор Пардаев зиммасида қора қозонни қайнатни вазифаси бўлмаганми? Оиладан орттирадиган даражада пули кўпмиди? Саволларнинг жавоби битта: улар чин устозлар! Елдай ўтиб бораётган вақтга бас келиш, давлат белгилаган вазифалардан ортиб, ҳар бир шогирдининг тақдирiga жон куйдиринш уларнинг аъломиган айланган эди.

Юқорида номини зикр этганларим (илмий даражалар ўз йўлига) мен каби адабиёт ва илм остонасида ўз йўлини қидирайтган шогирдларига ана шундай эзгу ишлари билан ўrnak бўлиб келишишмоқда.

Буғун дунёning шиддати янада кучайган. Лахзаларни тушунарсиз турли коллар билан аллақандай узун рақамлар бошқарбаётдан туюлади кишига гоҳо...

Мана шу учқур лахзалarda мен бир муаллим сифатида дунёнинг қиёфаси ҳар қанча ўзгарса ҳам ўқитувчи атальмиш зотнинг сийрати шогирд назлида ҳеч қачон ўзгармаслигини, доимо қадди тик, юзи ёргу бўлиб қолишини дилимдан, ният қилдим.

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА,
ЖДПИ қошидаги «Сайилжой»
академик лицейининг етакчи
ўқитувчisi.


Ўқинг, қизиқ!

«Кобалт» - инс-жинси?

(Кимёвий элемент номларининг келиб чиқши ҳақида)

Дунёда мавжуд нарсаларнинг номларини биринчи бўлиб ким ўйлаб топган ёки нима учун айнан шундай аталган деган савол сизни ҳам қизиқтирса ажабмас. Кимёвий элементлар номларининг пайдо бўлишида аник бир қонуният йўқ. Уларнинг бъязиларининг номи кимёвий хусусиятидан келиб чиқсан бўлса, айримлари машхур олимлар шарафига, жой номларига, худолар номларига, афсонавий қаҳрамонлар номларига кўйилган. Келинг, улардан айримлари билан танишамиз:

Kobalt - инглиз-саксон афсонасида инс-жинслар «Kobalt» деб юритилган. Бундай аталишига сабаб элементни ҳосил қилишдаги мушкулликлар инс-жинслар туфайли содир бўлади, леб ўйланган. (Бугунги кунда «Кобалт» русумли автомобил соҳиблари ҳафа бўлмаслар деган умиддамиз...)



Titan - қадимги юон эпосининг қаҳрамони Титан шарафига шундай аталган.

Vanadis - скандинавияликларнинг ишк муҳаббат маъбудаси Vanadis номи билан аталган. Афсонага кўра маъбуда Vanadis муҳаббат туйғуларини барқарор бўлишига раҳнамолик қилган. Элемент ҳам барқарор хоссага эга.



Niobiy - хоссалар жиҳатидан тантал элементига ўхшаш бўлганидан афсонавий қаҳрамон Тантал қизи-Niobeya исми билан аталган.

Prometeu - қадимги юонлар афсонасида худолар турдиган Олимп тогидан олов ўғирлаб инсонларга берган ва бунинг учун худолар томонидан жазоланган афсонавий қаҳрамон Prometeu шарафига аталган.

Tantal - бу элементни соф ҳолда олишдаги кимёгарлар бошдан кечирган қийинчиликлар унга худолар томонидан жазоланган афсонавий қаҳрамон- Tantal номи беридишига сабаб бўлган.

Togu - тогит минерали номидан олинган. Тогитнинг ўзи эса скандинавияликларнинг момақалдирик ва уруш худоси Toga номи билан аталган.

Бундан ташқари моддаларга хоссаларига кўра ҳам ном берилган бўлиб энг гаройиблари қўйидагилардир:

Volfiam - волфрамит минерали номидан олинган ва минерал номи эса немисчада «volf» (бўри) ва «gan» (кўпик) сўзидан келиб чиқсан. Бу сўзлар бирга қўшилиб «бўри кўпиги» маъносини билдиради. Бу минерал қалай рудалари таркибида учраб қолса, шу рудалан қалайни эритиб олиш қийинлашиди. У қалайни «еб қўяди». «Бўри кўпиги» дейишининг боиси шундай бўлса керак.

Fosfor - юонча «фос» (нур), «феро» (тарқатувчи) сўзлари ўзаро қўшилиб «нур тарқатувчи» маъносини билдиради. Бу элемент қоронгуда ёритиш хусусиятига эга бўлганлиги учун шундай аталган.

Argos - юонча «Аргос» (ялқов) сўзидан олинган. Бу моддининг бошқа моддалар билан биримаслик хоссасига эга бўлгани учун ҳам шундай ном берилган.

Сарвиноз ПИРНАЗАРОВА,
Кимё йўналиши
талабаси

Салом, азиз ўқувчи! Сиз «вақт» дегандан нимани тушунасиз? Келинг, бу ҳақида сұхбатимиздан олдин Сизни бироз ўйга толдирсам... Шу ёшга етгунингизгача бўлган умр сарҳадларига бир назар ташланг, тўёки узоқ бир йўл қадар босиб ўтилган бу умрнинг домига шунгиги кетинг. Шунда бироз жимлик, сукунат орасида «Умрим беҳуда ўтмадимикин!» деган савол қийнай бошлиди...

Оғозикка даъват

ВАҚТ КАДРИ

Дарҳақиқат, босиб ўтилган вақт мобайнида қилинган ҳайрли ва яхши амалларнинг барчasi бу ўтган умрнингизнинг унумли, самарали ва роҳатбахш онларидир. Вақтни оқар сувга қиёслашлари бежиз эмас, ўтган вақт ҳеч қаҷон ортга қайтмайди. Шундай экан, инсоннинг бу дунёдаги ўта мухим вазифаси - ўтаётган вақтдан унумли фой-

даланиб қолишидир. Бунинг учун ҳар бир кунлик ишларимизни режалаштириб олиб, уларни ўз вақтида бажариш учун ҳаракат қилиш зарур. Шунда ҳаётимиз давомида насту баландликлардан қийинчиликларен ўтиб, кўзлаган мақсадимизга етла оламиз. Агар шундай қиласак, одимизда турган ва биз ёшлиарни кутаётган илму фан сиру асрорларини очишлек буюк ишларни бажаришга бир туртки бўлса, ажаб эмас.

Ҳар бир инсон ўзига «Мен нима мақсадда дунёга келдим?» «Яашдан мақсадим нима?», «Келажакда ким бўлишим керак?» деган саволларни бериб яшаса, бу она ўрга муҳаббат, Ватан олдидаги бурч, отонага, ёру-дўстларга, ҳалқа салоқат каби түйгуларни шакллантиради, десак муболага бўлмайди.

Санжарбек САТТОРОВ,
Кимё йўналиши талабаси.

Зиё чаш.маси
МУАССИС:
Абдулла Кодирий номидаги
Жizzax Давлат педагогика
институти

Редакцияга келган хатлар
тахлил этилмайди ва
муаллифларга
қайтарилимайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нукта назаридан фарқланиши
мумкин.

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Газета Жizzax вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.
Босишига топширилган
вақти - 19.00
Топширилди - 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзйл:
Ш. Рашидов
шоҳ қўчаси,
Абдулла Кодирий
номидаги Жizzax
Давлат
педагогика
институти.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasida choperdi.
Korxona manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiloyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма №
Shakl-A-3.

Мамлакатимиз пойтахтидаги "Ўзбекистон" спорт саройида бўлиб ўтган ҳалқаро турнирда татамига йигирма бир давлатнинг вакили хисобланадиган 140 нафарга яқин спорчичиқди. Тошкент шаҳрида бир неча кун давом этган нуғузли беллашувлар дунё спорти жамоатчиликнинг диккат марказида турди. Бу қизиқишнинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Гран-при туркумига кирадиган беллашувлар чоғида дзю-дочи эркаклар ва аёлларнинг энг кучлиларигина бўлашак Олимпиада ўйинлари доирасидаги қимматбаҳо балларни тўплаши учун ҳамма имкониятлар бор эди.

Эътироф этиш керакки, мезмонлар меҳмондўстлик ва чинакам рақиб бўлишини ажойиб тарзда улдалашди. Қарийб эллик нафар дзю-дочи билан

Матмуродова етмиш килограммлик вазн тоифасида даврага тушди. У якунда бешинчи поғонани банд этиди. Жizzax Давлат педагогика институтининг

машгулотлар ўтказиш учун тўпланишиди. Олдинда таникли учликни, шунингдек, уларнинг жамоадошларини мамлакат кубоги стартлари кутиб турибди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасидан хабар беришларига қараганда, терма жамоамиз мураббийлари таркибга бир қатор умиди ёшларни ҳам жалб этишни режалаштиришмоқда. Сафарда уларнинг жисмоний ҳолати, техник ва тактик тайёрларлиги яна бир марта кўздан кечириб олиниди.

Анъана гўра, ноябр ойи охирларидан бошлаб

декабр ойи охиригача вилоятимиз марказидаги спорт иншотларида "Обод турмуш йили" ҳамда мамлакатимизнинг Асосий қомуси қабул қилинган куннинг йигирма бир йиллигига бағишиланган оммавий худудий биринчиликлар ҳамда турнирлар ўюнтирилади. Ана ўу мулоқтларда дзю-дочининг бугуни ва келдажаги ҳақида сўз юритилади. Ийл мобайнида ҳалқаро ва миллӣ миқёслаги мусобаваларда вилоятимиз шарафини мунособ ҳимоя қўйган спортчилар, уларнинг жамоатлар, жисмоний тарбия ва спорт фахрийлари мунособи рагбатлантирилади.

Умид Рахматуллаев, жамоатчи мухбири

Иродда яна беллашувда

иштирок этган Узбекистон терма жамоасининг мукофотлар коллекцияси сарҳисобда 5 та олтин, 3 та кумуш, 5 та бронза медали билан бойиди. Терма жамоамиз таркибига чақирилган Сангзор воҳаси вакиллари ҳамма имкониятларини ишга солиб, дастлабки олтилиқдан жой олганини ҳам ижобий натижа сифатида баҳолаш жоиздир. Зоро, сайёрамиз миқёсига баҳсоларда куч синаши ҳамма дзю-дочига ҳам насиб этмайди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг лауреати Иродда

талабаси қайд ёздан кўрсантикини яна бир ҳамшаҳримиз Шаҳодат Сўпихонова ҳам тақрорлади. 52 килограммлик вазнда кураш олиб борган дзю-дочимизга бирозгина омад етишмади.

Миллий терма жамоамизнинг яна бир аъзоси, ҳамиортизиз Виктория Оздаева ҳам фаяқат ғалабани кўзлаб олдинга интилди. Номи ҳатти-ҳаракатларига мос спорчимиз бу сафар Гран-прини олтинчи ўринни эгаллаш билан якунлади.

Пойтахтдан қайтиб келган дзю-дочи аёлларимиз узоқ давом этмаган танаффусдан сўнг яна

ратилган семинарлар, кутубхона бўйлаб саёхатлар, эстрада гуруҳлари билан учрашувлар ўюнтирилади. «Мен китобни севам», «Қитоб ўқиши санъати», «Адабиёт билимдони», «Қитобхона ҳақида энг яхши иншо», «Қитоб билан дунёни кашиф киламан» каби танловлар бўлиб ўтди.

Бу хафталика биз, Жizzax Давлат педагогика институти 2-босқич магистрлари ҳам

ХАФТАЛИГИ

ришдан иборат. Ташкилотидар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзархив, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва бошқалар.

Миллий ахборот - кутубхона хафталигининг бош мақсади мутолаани янада кучайтириш ва тарғиб қилиш, ахборот маданият даражасини кўтариш, интернет тармогида миллий контингентни ривожлантиришда ва ахборот-кутубхона хизмати имкониятини оширишга хисса кўшиш.

Миллий ахборот - кутубхона хафталигига 29 та тадбир, 5 та танлов ўтказилди. Хафталикларда 700 дан зиёд киши кутубхонага аъзо бўлди, қуийдаги тадбирлар ўтказилди:

Ўзбекистоннинг таникли шоирлари, рассом ҳамда кино-режисёrlар, шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар, китоб-суратли кўргазмалар, янги адабиётлар намойини, нашриёт ва китоб саводлари ташкилотлари маҳсулотларининг ярмараси, рассом ва фотосуратларнинг кўргазмалари, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва юксалтириши, сањат ва адабиёт соҳасидаги тасаввурларини бойитиш, коммуникатив кўниқмаларини янада яхшилашига қа-

ратилган семинарлар, кутубхона бўйлаб саёхатлар, эстрада гуруҳлари билан учрашувлар ўюнтирилади. «Мен китобни севам», «Қитоб ўқиши санъати», «Адабиёт билимдони», «Қитоб билан дунёни кашиф киламан» каби танловлар бўлиб ўтди.

Ҳафталик сўнгидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги дастурларининг намойини, ахборот-кутубхона мутахассислари учун семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори С.Ходжаев ҳафталикни якунлаб, танлов галибларига диплом ва эсталик совғаларини топшириди ҳамда «Омадли китобхон» лотереяси ўтказилди. Ҳафталик байрами эстрада гуруҳларининг чиқиши билан якунланди.

Ёш авлод маънавиятини юксалтируви, бой маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбияловчи билим манбаи бўлган китоблар эзгуликлар сари чорловчи, камолотга етакловчи энг яхши воситалардан бири бўлиб қолаверади.

Нилуфар АЛЛАМУРОДОВА,
Институт магистранти